



**КЎПРИК ОБРАЗИ : АНЪАНАВИЙ РАМЗДАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИН
(АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ УЧУН СИРОЖИДДИН САЙИД ШЕЪРИЯТИ
МИСОЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН)**

Эргашева Райҳон Ўткир қизи,

*Термиз иқтисодиёт ва сервис университети “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси
ўқитувчиси*

Э-маил: эргашеварайҳон1994@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15201076>

Аннотация: Мазкур мақолада Сирожиддин Саййид ижодининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг адабий жараёндаги ўрни таҳлил қилинади. Шоирнинг шеърияти ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўз йўналиши ва услубига эга бўлиб, миллий ва жаҳон адабиётлари ўртасидаги мулоқот кўпригини шакллантиришга катта эътибор қаратади. С.Саййид ижодидида кўприк образи марказий ўрин тутиб, у адабий анъаналар ва замонавий тенденцияларни бирлаштириши учун ишлатилади. Ушбу образ орқали шоир нафақат ўзининг шеърий услубини, балки адабиётнинг тарихий ва маданий алоқаларини ҳам акс эттиради. Шоир интертекстуал элементлар ёрдамида миллий адабиётни жаҳон миқёсида янги талқинлар билан бойитади.

Калит сўзлар: Кўприк, анъанавий образлар, поетик образ, шеърият, Сирожиддин Саййид, Баҳор кўприклари.

Аннотация: В данной статье анализируются особенности творчества Сироджиддина Сайида и его место в литературном процессе. С 70-х годов прошлого века его поэзия приобрела собственную направленность и стиль, уделяя большое внимание установлению мостов между национальной и мировой литературой. В творчестве С. Сайида образ моста занимает центральное место и используется для объединения литературных традиций и современных тенденций. Через этот образ поэт отражает не только свой уникальный стиль, но и исторические и культурные связи в литературе. С помощью интертекстуальных элементов он обогащает национальную литературу новыми интерпретациями на мировом уровне.

Ключевые слова: Мост, традиционные образы, поэтический образ, поэзия, Сироджиддин Сайид, Весенние мосты.

Аннотатсион: Тҳис артисле анализес тҳе дистинстиве феатурес оф Сирожиддин Саййидъс креативе ворк анд ҳис роле ин тҳе литерарий просесс. Синсе тҳе 1970с, ҳис поетрий ҳас девелопед итс оун дирестсион анд стйле, фосусинг он эстаблишинг а бридге оф соммунисатион бетвеен натионал анд ворлд литературе. Ин С. Саййидъс ворк, тҳе имаге оф тҳе бридге плайс а сентрал роле анд ис усед то мерге литерарий традиционс анд сонтемпорарий трендс. Тҳроугҳ тҳис имаге, тҳе поет рефлестс нот онлий ҳис униқуе стйле бут алсо тҳе ҳисторисал анд султурал соннестсионс ин литературе. Усинг интертехтуал элементс, ҳе энричес натионал литературе витҳ new интерпретатионс он а глобал ссале.

Кейвордс: Бридге, традиционал имагес, поетис имаге, поетрий, Сирожиддин Саййид, Спринг Бридгес.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ. Анъанавий образлар асрлар давомида шаклланган ва адабий анъаналарнинг узвий қисми бўлиб қолган. Улар халқ хотирасида муҳим ўрин тутгани учун замонавий иждоқорлар ҳам бу образларни ишлатишда давом этади. Кўплаб анъанавий образлар, масалан, булбул ва гул,



оққуш, қуёш ва ой, дарахт каби тимсоллар универсал маънога эга. Улар турли замон ва маконда турлича талқин қилинса ҳам, умумий тушунарли ва таъсирчан бўлиб қолаверади. Шеърятнинг асосий тамойилларидан бири образлиқдир. Анъанавий тимсоллар эса ўзининг эстетик мукамаллиги билан янги шаклларга кириб, шеърини муҳитда сақланиб қолади. Анъанавий образлар ўқувчилар учун таниш ва яқин бўлгани сабабли улар янги шеърини асарларда ҳам ўз тасирини йўқотмайди. Бундай тимсоллар орқали муаллиф ва ўқувчи ўртасида ҳиссий ва маънавий алоқа вужудга келади. Замонавий шеърятда интертекстуал услуб кенг қўлланилади. Шоирлар эски образларни янги контекстда ишлатиб, уларни янги маънолар билан бойитади. Масалан, Навоийнинг ғазалиётидаги анъанавий қаҳрамонлар бугунги шеърятда янги фалсафий ва ижтимоий талқин билан чиқиши мумкин. Анъанавий образлар халқнинг миллий ўзига хослигини ифода этишда муҳим воситадир. Миллийлик, маънавият, тарихий меросга бўлган эҳтиёж туфайли бу образлар йўқолиб кетмайди, аксинча, ҳар доим янги ижодий талқинлар орқали яшаб келади.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИШ ДАРАЖАСИ. Сирожиддин Саййиднинг шеърятдаги "кўприк" образи, ўзбек ва жаҳон адабиётларида қадимдан ишлатилган асосий тимсоллардан биридир. Ушбу образни турли методикалар ва усуллар ёрдамида ўрганиш адабий жараённинг янги босқичларини кашф этишга ёрдам беради. Кўприкни таҳлил қилишда биз тарихий, семантик, стилистик ва компаратив ёндашувлардан фойдаланамиз. Ўзбек адабиётшунослигида, хусусан, шеършунослигида поетик образ ва унинг табиати, шоирнинг образ яратиш маҳорати билан боғлиқ муаммолар юзасидан ҳам бир қанча илмий ишлар бажарилган. С.Саййид ижодининг айрим жиҳатлари бўйича Қ.Йўлдошев, Н. Раҳимжонов, У.Ҳамдамов, Н.Жабборов, М.Давронова, И. Сулаймонов, Г.Орипова, Л.Шарипова, С.Раимова, З.Пардаев, Р.Пайзуллаева каби олимларнинг бир қатор Шоир ижодининг образлари илмий-тадқиқот ишлари мавжуд.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан ҳозирги кунгача адабий жараён оқимида ўз йўналиши ва услубига эга бўлган шоир Сирожиддин Саййид ижоди, албатта, адабий жараённинг ажралмас қисмига айланиб, кўплаб интертекстуал элементлар билан бойитилган. Шоир ўзида аввало, миллий ва жаҳон адабиётлари ўртасидаги мулоқот кўпригини ўрнатади. Кўприк нафақат геосиёсий ёки маданий чегара сифатида, балки тарихий ва адабий алоқаларни шакллантирувчи элемент сифатида ҳам хизмат қилади. Кўприк образи адабиётда ўтиш, боғланиш ва оралиқ ҳолат рамзи сифатида кенг ишлатилган. Шоир ижодида бу образ орқали нафақат ўз ижодининг ўзига хослигини, балки



адабий анъаналар ва замонавий тенденцияларни бирлаштириши билан алоҳида эътибор қозонади. Шунингдек, унинг ижоди ҳам кўприк образи билан тўйинтирилади. Глобализация ва маданиятлараро боғлиқлик тимсолидан инсоннинг рухий изланишлари босқичма-босқич ўсишини ҳам маълум маънода кўрсатиб беради. Унинг “Баҳор кўприклари”[1]номли шеърида қуйидаги мисраларни тадқиқ қиламиз:

Баҳор кўприклари – меҳр-у садоқат,

Баҳор кўприклари – муҳаббат булғай.

Ушбу анъанавий образни белгилашда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин: *Биринчидан*, тарихий-маданий илдизларига эътибор қаратсак, **кўприк** образ ўзбек ёки жаҳон адабиётида узоқ тарихга эга бўлиб, турли асрларда такрорланган. Кўприк образи адабиётда ўтиш, боғланиш ва оралик ҳолат рамзи сифатида кенг ишлатилган. У миллий ёки универсал рамз сифатида танилган образлар қаторига кўша оламиз:Қадимий мифология: кўприк икки дунё (ҳаёт ва ўлим) ўртасидаги ўтиш жойи; Ислом ва Шарқ фалсафаси: “Сироат кўприги” – жаннат ва дўзах орасидаги йўл, шунингдек, ёруғлик ва зулмат орасидаги ўтиш жойи сифатида тасвирланади; Ўзбек халқ эпосларида: Кўприк инсоннинг имтиҳон, садоқат ва севгига етишиш йўли сифатида талқин қилинади. Шеъриятда кўприк доимо боғловчи куч, ҳаёт йўли ва маънавий ўсиш белгиси сифатида, ўтмиш ва келажак, ёр ва ошиқ, жамият ва инсон орасидаги алоқани рамзий ифодалайди. *Иккинчидан*, образ поетик-стилистик жиҳатдан тимсол сифатида ишлатилган бўлиб, анъанавийликни ифодалаганлиги; метафора, анафора рамз, аллегория ёки бошқа бадий усуллар орқали янгича талқинга эга. *Учинчидан*, ушбу шеърида кўприк фақатгина бадий восита сифатида бўлибгина қолмай унинг муайян фалсафий маъноси инсоний туйғулар – меҳр, садоқат ва муҳаббатни боғловчи сифатида талқин қилинган. Баҳор ва кўприкнинг боғлиқлиги: баҳор – янги ҳаёт, уйғониш, севги ва умид мавсуми, кўприк – инсонлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи восита, муҳаббат эса инсонни ҳаётда боғлайдиган куч. Демак, шеърда *кўприк образининг янгича талқини* кўприк бу ерда баҳор орқали инсоний ҳис-туйғуларни боғловчи восита сифатида талқин қилинган. Янги ҳаёт бошланаётганда инсонлар меҳр, садоқат ва муҳаббат билан боғланиши кераклиги поетик тарзда ифодаланган. Қўшимча сифатида замонавий шеъриятдаги янгича талқинини ифодалашда Абдулла Ориповнинг "Баҳор"[2] шеърида баҳор, янги ҳаёт ва севгининг бошланиши сифатида тасвирланади. Бу шеърда кўприкнинг ўзи мавжуд бўлмаса-да, баҳорнинг янги имкониятлар ва алоқалар рамзи сифатида ишлатилиши, Сирожиддин Саййиднинг шеъридаги кўприк образининг янгича талқинини қўллаб-қувватлайди, шеърида кўприк образи анъанавий талқиндан фарқли



равишда фақат туйғулар, севги ва инсоний муносабатлар боғловчи восита сифатида берилган. Юқоридаги изоҳларга қўшимча равишда қиёсий таҳлилни ҳам кўриб ўтамиз:

Классик адабиётда	Сирожиддин Саййид шеърида
Кўприк – икки дунё ўртасидаги ўтиш	Кўприк – меҳр ва муҳаббатни боғловчи тимсол
Ҳаёт ва ўлим чегараси	Баҳор, садоқат ва инсоний ришталар белгисидир
Маънавий синовлар ва ахлоқий имтиҳон	Инсоний қадриятларни мустаҳкамловчи восита

Шеъриятда анъанавий образларни аниқлаш ва уларнинг янгилиги ҳамда долзарблигини белгилаш учун қуйидаги ёндашувлар қўлланилишини инобатга олиш лозим:

- 1.Тарихий-маданий ва фунционал мезонлар асосида образнинг анъанавий эканлиги исботланади.
- 2.Семантик ва интертекстуал таҳлил орқали образнинг янги талқини қандай ўзгараётгани аниқланади.
- 3.Поетик ва стилистик инновациялар баҳолашиб, образнинг қандай янги шеърий шаклларга мослашгани таҳлил қилинади.[4]
- 4.Компаративистик ёндашув орқали бошқа маданиятлар билан боғлиқлиги ўрганилади[5]. Юқоридаги йўналишларда ўрганиш образнинг чуқур таҳлилни ёритиб беради.

Анъанавий шакллардан замонавий шаклларга ўтиш борасида фикр юритсак, Классик шакллардан, масалан, қасида ёки ғазал шаклидан, замонавий шеъриятдаги бармоқ ёки эркин шеър шаклларига ўтиш образларнинг янги талқинини яратади. Бу ўзгаришлар, образларнинг ўзаро боғланиши ва улар орқали ифодаланган маъноларнинг янада чуқурроқ ва кенгроқ бўлишини таъминлайди. Сирожиддин Саййиднинг шеърларида бундай ўзгаришларни кузатиш мумкин. Унинг кўприк образининг янги талқини, анъанавий шаклларга боғланмасдан, замонавий ифодалаш шакларида намоён бўлади. Поетик ва стилистик инновациялар шеърий образларнинг янги шаклларга мослашишига ёрдам беради. Бу инновациялар, асосан, тил ва услубдаги янгиликлар, шеърда ишлатиладиган янги поетик усуллар, метафоралар ва образлар орқали намоён бўлади. Поетик инновациялар шеърнинг шаклида, ритмида ва тузилишида ўзгаришлар киритишни англатади. Масалан,

*Рубоб торларидай йўллар солган из,
Кўприклар – келажак киприкларидай.
Кўзу қош мисоли ҳар бир ўғил-қиз,*



Киприклар – тириклик кўприкларидай.[3]

Бу мисра поетик ва стилистик жиҳатдан жуда бой ва чуқур маъноларга эга. Унда *кўприклар ва киприклар* тасвирлари орқали турли образлар ва символик маънолар ифодаланган.

–Рубоб торларидай йўллар солган из: рубоб – ўзбек халқ мусиқа асбоби бўлиб, унинг торлари орасидаги нақшлар ва чиройли товушлар тасвирига урғу берилади. Торлар йўллар шаклида тасвирланиши, изларнинг аниқ ва мусиқий ритмик ифодаси сифатида ўзини кўрсатади. Бу ерда "из" сўзи фақат физика жиҳатдан эмас, балки руҳий ёки маънавий изларни ҳам билдириши мумкин. Яратилган излар, кимнингдир ҳаётидаги йўл, қадамлар сифатида талқин этилади.

–Кўприклар – келажак киприкларидай: Бу қаторда "кўприк" ва "киприк" сўзлари ўртасидаги ўхшашликга диққат қаратилади. Кўприклар келажакни, яъни инсоннинг мақсади ва орзулари сари йўл очиш, боғлаш вазифасини бажаради. Киприклар эса, кўзни ҳимоя қилиш ва кўриш имконини яратади. Бу ерда киприклар келажакнинг ўша "кўприклар"ига тенглаштирилади, бу орқали инсоннинг келажакни кўриш ва унга қараш имконияти ва умиди тасвирланади.

–Кўзу қош мисоли ҳар бир ўғил-қиз: Бу қаторда "кўз" ва "қош" тасвирлари орқали ёшлар, айниқса, ўғил-қизлар кўз олдида яратилган дунё ва мақсадларни тасвирлашга қаратилган. Кўз – билиш, тушуниш ва кўришнинг рамзи сифатида ишлатилган, қош эса ҳимоя ва ҳимоя қилишни англатади.

–Киприклар – тириклик кўприкларидай: Киприклар тирикликни сақловчи, тирикликни ҳис этиш ва бошқалар билан боғланиш воситаси сифатида тақдим этилади. Киприкларнинг ҳаракати тирикликнинг бевосита белгиси сифатида тасвирланади, улар инсоннинг ҳаёти ва ўзи билан боғланиш имкониятини англатади.

Шу тариқа, бу мисра ўзгача поетик стилистика орқали инсоннинг келажаги, тириклиги ва ўзаро алоқалари ўртасидаги боғлиқликни ўзида акс эттиради. Табиатдаги микроскопик элементлар (киприклар) ва макроскопик объектлар (кўприклар) орқали маънавий ва руҳий алоқалар акс эттирилган. Сирожиддин Саййиднинг шеърида замонавий услублар ва тил ўзгаришлари орқали анъанавий образлар янги шаклга киритилган. Кўприкни тасвирлашдаги янгича усул, образнинг талқинини янада бойитади ва уни замонавий шеърда кенгроқ ифодалашга имкон яратади.

"Сув узра қуйган бир чупинг ҳам сўзсиз,

Бир кун кўприк бўлиб қайтар ўзингга."[3]

Ушбу мисраларда кўприк образи сабаб-натижа боғлиқлиги нуқтайи назаридан ишлатилган. Инсоннинг қилинган ҳар бир амали (яхши ёки ёмон)



келажакда унга таъсир қилади. Кўприк бу ерда ҳаётдаги жараёнларнинг орқага қайтиши ёки қилган ишларнинг таъсири сифатида талқин қилинган.

"Бу дарёнинг икки ёнинг юмғичкадир,"

"Инчикажон, юрар йўлинг ингичкадир."

Гарчи "кўприк" сўзи тўғридан-тўғри ишлатилмаган бўлса ҳам, бу мисраларда кўприкнинг вазифасига ўхшаш образ яратилган. Дарё икки ёнга бўлинган ва йўл ингичка, яъни инсон ҳар қандай хатога йўл қўйса, йиқилиши мумкин. Бу образ ҳаёт йўлининг нозиклиги ва эҳтиёт бўлиш кераклигини англатади[1]

Компаративистик ёндашув орқали бошқа маданиятлар билан боғлиқлигини ўрганиш, бир образни бошқа маданиятлар ёки адабиётлар контекстида таҳлил қилишни англатади. Бу ёндашув орқали, бир маданиятдаги образнинг бошқа маданиятдаги талқини, ўзаро ўхшашликлар ва фарқларни кўрсатишга ёрдам беради. Бошқа маданиятларда кўприк образи: Шарқ ва Ғарб мифологияларида кўприк образининг ўхшашлиги ва фарқларини таҳлил қилиш мумкин. Масалан, Ғарбда кўприк кўпинча икки дунё ўртасидаги ажратгич сифатида тасвирланади (ҳаёт ва ўлим ўртасида), аммо Шарқ адабиётида бу образ, кўпроқ маънавий ўтиш ва синовлар билан боғлиқ. Бу ўхшашлик ва фарқлар, кўприк образининг халқаро маданиятлар контекстида қандай ишлатилишини кўрсатади. Шарқ ва Ғарб адабиётидаги интертекстуал алоқалар: Компаративистик таҳлил орқали, масалан, Сирожиддин Саййиднинг кўприк образини Шарқ ва Ғарб адабиётларида қандай талқин қилиниши ўрганилади. Бу орқали, кўприкнинг маданиятлар ўртасидаги ўзаро алоқалари, унинг универсаллиги ва маданиятлараро аҳамияти аниқланади. Умумий хулоса сифатида қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқлик киритиб оламиз:

Асосий Йўналишлар	Анъанавий Талқин	Замонавий Талқин
Семантик маъно	Ҳаёт ва ўлим, икки дунё ўртасидаги боғловчи	Меҳр, муҳаббат, садоқат ва инсоний муносабатларни боғловчи
Диний талқин	Сират кўприги (Ислому)	Маънавий тараққиёт, ички ўзгаришлар рамзи
Адабий талқин	Қаҳрамоннинг синовдан ўтиш йўли (эпослар, масалан, "Алпомиш")	Инсоний туйғулар ва алоқаларни боғловчи восита (Сирожиддин Саййид)
Маданий контекст	Шарқ адабиётида ахлоқий синов, Ғарбда икки дунё ўртасидаги ўтиш	Глобализация ва технологик ривожланиш шароитида мулоқот рамзи
Шеърый талқин	Мумтоз шеърятда фалсафий ва диний маъно	Эркин шеърятда рамзий ва ҳиссий алоқа, инсоний муносабатлар боғланиши Технология ва маданий



		алоқалар рамзи Инновацион поетик образ
Интертекстуал алоқалар	Данте ("Илоҳий Комедия"), "Шохнаме" (Фирдавсий)	Замонавий шеъриятда баҳор, севги ва садоқат билан боғлиқ
Поетик талқин	Синов йўли.	Кўпроқ метафорик шаклда – боғланиш, боғловчи
Функционал ўзгаришлар	Имтиҳон ва синов жойи	Инсоний ришталар ва янги имкониятлар очувчи образ

Хулоса: Шоир ижодида кўприк образи янги фалсафий ва поетик маъно касб этган бўлиб, у ўзбек адабиётидаги анъанавий тимсолларнинг замонавий янгиланиши сифатида намоён бўлмоқда. Кўприк образи шеъриятда доимий равишда муҳим рамз бўлиб келган. Сирожиддин Саййид шеърида кўприк инсоний қадриятлар – меҳр, муҳаббат ва садоқатни боғловчи восита сифатида тасвирланган. Бу образнинг янгича талқини анъанавий ва замонавий шеърият ўртасидаги узвий алоқани ифодалайди. Образларнинг янги шеърий шакллarga мослашиши, уларнинг замонавий шеъриятда қандай ўзгаришини аниқлатади. Шеърлар шаклини янгилаш орқали образлар янги маъно қатламлари билан бойитилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С. Саййид. Танланган асарлар 2-жилд Тошкент: "Сҳарқ" нашриёти, 2018. 383-бет.
2. А.Орипов.Баҳор. Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 1999. 105-бет.
3. С. Саййид. Танланган асарлар 4-жилд Тошкент: "шарқ" нашриёти, 2019. 25-бет.
4. А. Холмирзаев. Поетика ва стилистика масалалари. Ташкент: "Тадқиқот", 2010.35-б
5. Т. Умаров, Компаратив адабиётшунослик; Ташкент, 2008. 59-бет